



“Involta” Ilmiy Jurnalni

Vebsayt: <https://involta.uz/>

МУҲАНДИСЛИК ЙЎНАЛИШИ БИТИРУВЧИСИНИНГ ЧЕТ ТИЛИ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИ МОДЕЛИ

Қаршиева Боғдагул Фахриддиновна

Ўқитувчи. Термиз давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада муҳандислик йўналиши битирувчиларига чет тилини ўқитишда юзага келадиган муаммоларни очиқ беришга қаратилган.

Калит сўзлар: коммуникатив компетентлик, лингвистик блок, касбий блок, интеграциялашган таълим, ижтимоий-касбий компетентлик

ВЫПУСКНИК ИНЖЕНЕРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ МОДЕЛЬ ИНОЯЗЫЧНОЙ КОММУНИКАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ

Аннотация: Данная статья призвана объяснить выпускникам технических вузов проблемы, возникающие при обучении иностранному языку.

Ключевые слова: коммуникативная компетентность, языковой блок, профессиональный блок, интегрированное образование, социально-профессиональная компетентность.

GRADUATE IN ENGINEERING EDUCATION MODEL FOREIGN LANGUAGE COMMUNICATION COMPETENCE

Annotation: This article is intended to explain to graduates of technical universities the problems that arise when teaching a foreign language.

Key words: communicative competence, language block, professional block, integrated education, social and professional competence.

Кириш.

Тадқиқот мақсади: *Чет тили коммуникатив компетентлиги кенг ижтимоий-маданий соҳада тўртта анъанавий компетентлик билан ифодаланади: лингвистик, ижтимоий-маданий, прагматик ва стратегик. Ушбу компетентликларни шаклланиши олий таълим муассасасида чет тилининг умумий курсини ўрганишнинг дастлабки йилларида содир бўлади ва ижтимоий мулоқот шароитида тилдан фойдаланишни ўрганиш мақсадларига жавоб беради, бу жуда кенг тушунчадир.*

Интеграциялашган билингвал таълимнинг касбий йўналтирилганлиги туфайли ушбу жараённинг меъёрий натижаси олий таълим муассасасида ўқиш давомида юзага келадиган *чет тили касбий коммуникатив компетентлигини шакллантириш бўлиши керак.*

Тадқиқот методлари:

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида биз чет тилининг коммуникатив компетентлигининг мавжуд моделлари муҳандислик факультети талабаларининг ўзига хос касбий қизиқишларини ҳисобга олмайди, бу эса чет тили ва муҳандислик фанларини ўзаро боғлиқликда интеграциялашган ўқитишни амалга оширишнинг методик ва ташкилий ёндашувларини ишлаб чиқишда қийинчилик туғдиради, деган хулосага келдик.

Шу сабабли, муҳандислик йўналиши битирувчисининг чет тили касбий коммуникатив компетентлиги моделини яратиш зарурий шарт ҳисобланади.

Биз муҳандислик йўналиши бўйича бўлажак мутахассиснинг чет тили касбий коммуникатив компетентлиги моделини ишлаб чиқишда меҳнат бозори томонидан битирувчига қўйиладиган талабларни ва замонавий техника олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг имкониятларини ҳисобга олиш

керак, деб ҳисоблаймиз. Бундай тузилманинг таркибий қисмлари мақсадли йўналтирилган ва амалиётда қўлланилиши керак.

Чет тили касбий коммуникатив компетентлик модели (1-расм) функционал-тузилмавий турга тегишли бўлиб, у чет тили касбий коммуникатив компетентликнинг мақсади ва шаклланиш хусусиятларини ўрганиш учун мўлжалланган, унинг асосида чет тили касбий коммуникатив компетентликнинг таркибий қисмлари аниқланади, тақдим этилган таркибий қисмлар улар билан турли даражада, турлича муносабатда ва алоқада.

Чет тили касбий коммуникатив компетентлиги



-расм. Техника олий таълим муассасаси битирувчисининг чет тили касбий коммуникатив компетентлиги

Чет тили касбий коммуникатив компетентлиги модели икки блокка бўлинади, биринчиси (лингвистик) касбий соҳага қаратилган махсус лингвистик, ижтимоий-маданий, прагматик ва стратегик компетентликлар

билан ифодаланади. Ушбу блокнинг таркибий қисмлари иккинчи (касбий) блокнинг таркибий қисмлари бўлган билиш ва операцион-технологик компетентликлар билан биргаликда жойлашади. Лингвистик ёки касбий таркибий қисмларнинг тартибли актуаллашуви (ёки уларнинг бир вақтнинг ўзидаги актуаллашуви) вазиятга қараб содир бўлади ва чет тилида маҳоратли мулоқот эҳтиёжлари билан белгиланади. Иккала блок ҳам мотивацион-қадрият компоненти билан боғлиқ бўлиб, у бир томондан уларни бошқаради, иккинчи томондан, тескари алоқа тамойили бўйича уларнинг таъсирига таянади.

Касбий қисмнинг лингвистик блоки олий таълим муассасаларининг гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий кафедраларида талабаларга касбий йўналтирилган чет тилини ўргатиш жараёнида қисман шаклланиши мумкин. Бироқ, уни махсус фанлар ва чет тилини ўзаро боғлиқ интеграциялашган ҳолда ўрганишни ташкил этиш орқали сезиларли даражада бойитиш мумкин. Давлат таълим стандартларида танлов фанлари бўлиб, ҳудудий компонент фанларини, шунингдек, факультатив фанлар назарда тутилган, бу интеграциялашган таълимни ташкил этиш имконини беради.

Чет тили касбий коммуникатив компетентлигининг иккала блоки биргаликда ривожланади, бу тузилмадаги лингвистик блок кўпинча ўзгармас бўлиб қолади. Амалий касбий фаолият жараёнида компетентликларни актуаллаштириш жараёнида мутахассислик ўзгарса, эски мутахассисликнинг лингвистик блоки қолади, уни тўлдирилади ва янги касбий блокни шакллантиришга хизмат қилади. Чет тили касбий блокнинг таркибий қисмлари 1-жадвалда келтирилган.

Натижалар:

Билиш компетентлиги мамун жиҳатдан чет тилини билиш тизими ва ундан нутқ фаолиятида фойдаланиш кўникмалари шаклида намоён бўлади, операцион-технологик компетентлик эса чет тилидаги касбий фаолият шароитида билимлардан фойдаланишни ташкил этиш усулларини таъминлайди. Иккала компетентлик ҳам биринчи (лингвистик) блок

компетентлигига нисбатан ўзига хос “буюртмачи” вазифасини бажаради.

Ижтимоий-касбий компетентликнинг махсус қисми лингвистик ва касбий блоклари мотивацион-қийматли таркибий қисм билан боғлиқ (касбий- чет тилини ўқитишга қизиқиш, унинг аҳамиятини англаш, касбий ҳаёт давомида ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ривожлантириш зарурати).

-жадвал. Мутахассиснинг чет тили касбий компетентлиги чет тили касбий блокнинг таркибий қисмлари

Таркибий қисмлар	Билим, кўникма ва малакалар нуқтаи назаридан тавсиф
Билиш компетентлиги	<p>1. Чет тилини билиш:</p> <p>1.1 математика ва умумий муҳандислик фанлари соҳасида;</p> <p>1.2 махсус фанлар;</p> <p>1.3 ўрганилаётган давлат тилидаги катталикларнинг ўлчов бирликлари, белгилари, атамалари, стандартлари, спецификациялари, кодлари, улардан нутқ фаолиятида фойдаланиш кўникмалари;</p> <p>1.4 график ахборотни ташкил этиш ва изоҳлаш соҳасида;</p> <p>1.5 Ўрганилаётган давлат тилида муҳандислик фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари</p>
Операцион-технологик компетентлик	<p>2. Кўникма ва қобилият:</p> <p>2.1. Касбий стандартлар доирасида чет тилидаги ёзма ва оғзаки мулоқотни амалга ошириш;</p> <p>2.2. Чет тилидаги ахборотни тайёрлаш, талқин қилиш ва тақдим этишда ҳамкорликни ташкил этиш;</p> <p>Чет тилида касбий аҳамиятли маълумотларни мустақил излаш;</p> <p>Қабул қилинган кўрсатмаларни тўғри тушуниш ҳамда аниқ ва тушунарли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;</p> <p>Мос коммуникация усуллари, шунингдек экстралингвистик воситаларни танлаш;</p> <p>. Материалларни касбий журналларда чоп этиш учун тайёрлаш; касбий маълумотларни бошқа манзилларга самарали етказиш;</p> <p>Ҳужжатларни тайёрлаш, тушуниш ва улардан фойдаланиш; музокаралар ташкил этиш, фикр алмашиш, зиддиятли вазиятларни ҳал қилиш.</p>

Интеграциялашган билингвал таълим доирасида чет тили ва муҳандислик фанлари касбий коммуникатив компетентлигини шакллантириш махсус ташкил этилган ўқув ва ўқув-касбий фаолият жараёнида амалга оширилади.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосага келиш мумкин, билиш ва операцион-технологик компетентликнинг хусусиятлари, уларнинг чамбарчас ички боғлиқлиги ва амалий касбий эҳтиёжларга йўналтирилганлиги интеграциялашган билингвал таълим жараёнини ташкил этиш учун аниқ талабларни қўяди, улар қуйидагиларни таъминлаш зарурати сифатида шакллантирилади: 1) Кўп сонли фикрлаш операцияларини бажаришда билим ва ички нутқнинг турли тузилмаларини фаоллаштириш имконияти; 2) жавоб олиш учун ахборот асосининг мавжудлиги ёки касбий йўналтирилган ўқиш жараёнида ахборотларни излаш учун шароит яратиш; 3) тизимлаштирилган жавоб, яъни бир топшириқ саволларига бир неча жавоб олиш имконияти; 4) тил шакли ва мазмуни билан ишлашда алмашилиш; 5) топшириқ асосида амалий вазиятнинг мавжудлиги; 6) фаолиятни бир неча даражаларда баҳолаш имконияти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Вербицкий, А. А.* Компетентностный подход и теория контекстного обучения: Материалы к четвертому заседанию методологического семинара 16 ноября 2004 г. [Текст] / А. А. Вербицкий. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов,
2. *Faxriddinova Q. B.* The Role and Importance of an Integrated Bilingual Approach in Teaching English to Students //International Journal of Development and Public Policy. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 286-288.
3. *Худобина, О. Ф.* Педагогические условия преодоления психологических барьеров у студентов в процессе билингвального обучения в вузе [Текст]: дис. ...канд. пед.наук: 13.00.08 / О. Ф. Худобина. – Волгоград, 2007. – 242 с.

4. Fakhriddinovna K. B., Fakhriddinovna U. N. The Use of Interactive Bilingual Learning for Teaching English Language the Ages Of 5-6 //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2021. – Т. 3. – С.135-138.

5. Fakhriddinovna, Karshieva Bogdagul. "THE USE OF INTERACTIVE METHODS FOR TEACHING ENGLISH LANGUAGE THE AGES OF 5-6." *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol 7.12* (2019).

6. *Халяпина, Л. П.* Методическая система формирования поликультурной языковой личности посредством Интернет-коммуникации в процессе обучения иностранным языкам [Текст]: дис. ... д-ра.пед.наук: 13.00.02 / Л. П. Халяпина. – Санкт-Петербург, 2006. – 426 с.

7. Каршиева Б. Ф. ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ ПЕДАГОГА //Вестник современной науки. – 2017. – №. 3-2. – С. 43-44

8. С. И. Коршунов, Г. Г. Самбунова . Предисловие. — «Д. С. Лотте. Краткие формы научно-технических терминов», М., Изд-во «Наука»,1971